

# ТОНГ ЮАДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБОУТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 58 (65934)  
1996 йил, 14 август, чоршанба

Сотувда эркин  
нархда

## «ЖАВЛОН ҮРИБ ЯШАЙДУРГОН ХОНАМИЗСАН!»

### ВАТАНИ СҮЙМАК

Хар бир кишининг тугулуб ўскон шаҳр ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Хар ким тугулган, ўскон ерини жонидан ортиқ суръ. Ҳатто бу ватан ҳисситайгуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидан—уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳатроҳат яшамас. Майшати талх булиб, ҳар вақт дилининг бир гӯшасида ўз ватанининг мухаббати турад.

Биз туркестонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ сүйдигимиз каби, араблар Арабистонларини, қумлик иссиқ чўлларини, эски-мўлар шимол тарафларини, энг совук қор ва музлик ер-

**Миллий истиқлол учун асримиз бошларида фидойиларча курашган маърифатпарвар шоир Абдулла Авлоний, «Еҳу, бизга на бўлди? Боболаримиз ийлидан чиқиб кетдик! Яхши қўшнингдан олгунча, ёмон уйнингни қидир, дермишлар. Боболаримизга етишгон ва яраган муқаддас тил ва адабиёт бизга ҳеч камлик қилмас. Ўз уйнимизни қидирсан ва охтарсан, ийқолганларини ҳам топамиз,» — деб ёзган эди.**

**Мазкур сўзлар она тилимиз ва тарихий хотиризм Истиқлол шарофати билан қайта тикланётган шу кунларда Беҳбодий, Абдулла Қодирӣ, Чўпон, Фиррат, Ҳамза, Абдулла Авлоний, Мунавар Кори, Абдурашидхонов, Тавалло, Сидқий Ҳондайлий, Сўғизода, Садриддин Айний каби яна ўлаб маърифатчи зиёлларимизни бизга замондош этади ва биз набираларидан ҳам боболаримиз тарихи ҳам адабиётига эътиборларок, синховороқ бўлишимизни тақозо қиласди.**

**Кўйида эълон қилинаётган мақола ва шеър 1916 йил ёзилган.**

ларини бошқа ерлардан зисёда суюялар. Агар сўймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўзватанларин ташлаб ҳижрат қилурлар эди.

**Боболаримиз:** «киши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл», — демишлар.

**Мен айблик эмас, эй Ватаним,**  
**тоғларим,**  
**Бевақт ташаб кетдим, аё, бояларим.**  
**Ҳижрон қилодур мени жудолиг,**  
**Дўнди ғама рўзу шаб чоғларим.**

Ҳамага маълумдирки, энг муқаддас диний еримиз улан Арабистонга боғларини, ҳовлиларини сотуб, ҳижрат қилгон ҳожиларимизнинг аксари яна ўз ватанларига қайтуб келурлар. Бунинг сабаби, яъни буларнинг тортуб кетургон қувват ўз ватанларининг, турроқларининг меҳру муҳаббатидур. Расули акрам набийни муҳтарам саллоллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Ҳуббул — ватани минал имони—ватанинни сўймак имондандур», — демишлар.

**Ватан, ватан дея жоним танимдан ўлса**  
**равон,**  
**Банго на ғам қолур;**  
**авлодима ўю**  
**ватаним,**  
**Фубора дўнса ғамим, йўқ вужуди зери**  
**ваҳм,**  
**Чароки, ўз ватаним ҳоқидур**  
**гўру**  
**кафаним.**  
**Тугуб ўсон ерим ушбу ватан,**  
**вужудим**  
**ҳоқ.**  
**Ўлурса, аслина рожъ**  
**ўлурми**  
**ман ғаминок?!**

Сенинг исминг бу дунёда мұқалдасдур,  
Ҳар ким сенинг қадринг билмас-ақын пастдур.  
Сенинг туйгунг юракларга савдо солур,  
Сенинг дардинг бошқа дардин тортби олур.

Еринг, сувинг бизни боқиб тўйдирадур,  
Семиз-семиз кўйларингти сўйдирадур.  
Олма-анор, анжир, узум-меваларинг,  
Оту-хўкуз, эчки, тақа-теваларинг.

Бизлар учун хизмат қилур барчалари.  
Ҳар бирлари нозу неъмат парчалари.  
Сандан туғиб катта бўлиб, қайтиб боруб,  
Яна сенга кирадурмиз, бағринг ёруб.  
Онамизсан! Бизнинг мушниғ онамизсан!  
Жавлон уруб яшайдургон хонамизсан!  
Сени сотмоқ мумкинмидур, ўзинг ўйла,  
Тилинг бўлса, ҳасратларинг, тузук сўйла!

**А. АВЛОНИЙ**

Мустақилликнинг 5  
йиллиги олидан

нинг устахонасида ўтказади. Баъзан ота-үғил асбобанжомларини кутариб далаар, қир-адирларга чиқиб кетишади.

Улугбек мактабда ҳам нишаничи чизиши-бўяш ицилари бўлса узи бажарар, «синф бурчак»лари, мактаб деворий газетаси, турли кўргазмали қуроллар, «мен расомнинг ишиман» деб тургандек бўларди. Унинг чизгилари аввал мактаб, кейин туман, сунг вилоят кўрикмусобақаларида биринчиликни оларди. У ҳақда тенгдошлари ва муаллимлари «келажакда иқтидорли расом бўлади» деб гапиришади. Ниҳоят ўтган йили пойтахтимизда булиб ўтган ўқтидорли болалар беллашуви юқоридаги гапларнига ва хулосаларнинг бежиз эмаслигини тасдиқлади. У танловда голиб бўлди. Мабодо Улугбекдан «Келажакда ким бўлмоқчисан?» деб сўраб қолсангиз, албатта, «Мусаввир» деб жавоб беради.

**Т. АХМЕДОВА.**

Суратда: Тўражон ака фарзанди иншларига баҳо бермоқда.  
**Р. АЛЬБЕКОВ** сурати.

## ОЗОД ЮРТ СУРАТИ



Улуғбек Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига бағишилаб бошлаган «иши»га сўнгти нуқтани қўйди-ю, худди имтиҳон топширгандек енгил тин олди. Йўқ, ҳали имтиҳон олдинда эди. Унинг чизгиларини устози, отаси Тўражон ака, иккичи устози, маслаҳатгўйи, акаси Беҳзод ҳам куриши, ҳар икки яқин инсонлари баҳо беришлари керак. Ундан кейин мактабдошлиги муаллимлари, ўртоқлари фикр билдиришади.

— Укажон, бу дейман ишинг жуда қўпайиб кетдими? — деда устахонага кириб келган Беҳзод инисининг тайёр ишларини кўриб, қувончдан кузлари порлаб кетди.

— Акажон, буларнинг бари Ватан расми, дадамга маъқул тушармикан, деб ўйлаипман, — деди уйчанлик билан ёш рассом.

— Нега ёқмас экан, салкам дадамга ухшаб чизасанку, далда берди акаси. — Айниқса «Мустақил юрт бозори» менга жуда ёқди, боплабсан.

— Ҳа, уни чизишда бувимларнинг ҳикояларига асосландим. Уларнинг гайтишича, ҳатто қишлоқларда яловчи болалар ҳам курт тушган мевага зор булишган

экан, уйларнинг остонасигача пахта экилиб, бозорлarda мевалар камайиб кетган экан. Ҳозир эса ўзингиз кўриб тургандек тўкинлик...

Тўражон акага ҳам фарзанди чизган «Атлас тўқиётган бола», «Ёш фермер», «Азизнинг асаларилари», «Нортойнинг жажжи гишт-заводи» картиналари маъқул тушди. Ота ўғлининг ютуқлари билан биргаб қанча жуззий камчиликларга йўл қўйгани хақида ҳам узоқ гапириди. Ҳусусан Ватан расмин чизганда ёрқинроқ ранглардан кўпроқ фойдаланиш зарурлиги, инсон чехрасидаги ифодани мазмунлироқ акс эттиришга интилиш зарурлиги, қош — кўзлар, бармоқлар ифодасида бир белгининг ҳам ноаниқ бўлмаслиги ва бошқа кўп маслаҳатларни берди. Баъзи суратларга қўшимча бир икки чизиқ тортиб, қалам теккизи.

«Кулларингизни қандай яхши кўраман, дадажоним», деда меҳри товланиб ўйлади Улугбек падари бузрукворига фар билан боқаркан.

Мусаввирлар судоласидан бўлмиши Улугбек Ашурев Намангандиган вилояти, Янгиқўргон туманинага 12-мактабнинг 10 синфида уқиди. У жуда кичклигиданоқ кўп вақтини отаси Тўражон ака Ашурев-



Косонсой — қипломизимнинг ёнинасидан оқиб утади. Унинг шарбатта тўлган боғлару, мул ҳосили экинзорларга мусафро обиёт тартиши биз — ёш экологларга ҳам боғлик. Шу сабаб ҳам мактабимизда табиатсеварлар тўгараги ташкил этилган. Унга биология ўқитувчимиз Ҳусниндин ака Фаниев раҳбарлик қиладилар. Ҳозир, айни таътиф даврида машгулётларимизни очик далаларда, экинзорлар, сув қиргокларда утказалимиз. Режа асосида олиб бўлаштадан ишларимизнинг энг асосийси — Косонсой дарёси сувининг ифлосланмасигига эришишимиз. Бунинг учун қиргокда яшовчи ахоли уртасиде тушунтиришни шундай асрояпмиз.

### КОСОНСОЙ ИМ ОМОН БҮЛ!


Адолат УМАРОВА,  
Наманганд вилояти,  
Косонсой туманидаги  
Ҳамид Олимжон номли 28-  
мактаб, «Табиатсеварлар»  
тўгараги аъзоси.

### НАЪМАТАГУ, ТУЛХАЙРИЛАР БОР БУНДА...

Бизнинг Суғизода номли мактаб шахарининг шимолий-шарқида жойлашган. Майдони уч гектарни ташкил этади. Шундан бир яром гектаридан бор бартою таътифлантирилди. Билим даргоҳимиз якнилдиги «Пахтобод» кучасида ҳам укучилар химмати билан бор яратилган. Баҳорда ушбу майдонни турли кучатлар экилиди. Беда, маккожухор, помидор, ошқусукар стинтириластир. Иккала боғда минг тул мевали даражат минг тул терак уасити. Мехнатнинг тубайли утга ўйли ун минг сүм даромад қўлланади, бу ийл ун 20 минг сумга сткашишини мулжалайшимиз. Улар укув даргоҳимиз шароитини яхшилашса сарфланади.

Яна бир таъи: утган ўйли дориор гиёхлар ўстириш учун тажриба майдони ажраттан элил. Унда гулхайри, маймунжон, наъматак, лола ва башка усмиллар бор.

Шерзоджон АЛИЕВ,  
Наманганд вилояти, Чуст туманидаги 8-мактаб ўқувчisi.  
Суратда: Тайёр соз турпроқдан наумуналар.




Ёш эколоғларининг нафобандаги ўшгулини «Пермас» ва «Козокжон» ариқ бўйларига вазиятга багишланади.

— Киргок ахолиси ўртасига тушуниши шилари олиб борилди. Ўша ерлек кўнглилли болалардан иборат нафарларнига багишланади. Гиждувон шахар Халқ таълими бўйлигига қарашли. «Ёш табиатшунослар» маркази қатнишчилари юмуши шу кунларда ниҳоятга кўйайсан.

Бу ерга 15 та тўғарақдан 413 нафар бола табиат сирларини ўрганиб, унинг тозалашни учун кураш олиб боришини. Айникса, тажрибали муаллима Мавжуда Хайдирова раҳбарлигида «Экология» тўғараре аъзолари иши

Саочоқ ЭГАМОВ,  
Навоий вилояти, Кизилтепа тумани.




КИЗТИН СУХБАТ

Р. Альбеков суратлавчasi

«Нилуфар»  
 почтасидан

олиб борип. Назорат турхумиз аъзолари сувга чиқиндиларни ташлаётган баъзи хонадон аъзотарига, ҳатто ҳужаликларга жарима ҳам солициди. Биз Косонсойимизнинг мусаффолигини ана шундай асрояпмиз.

Адолат УМАРОВА,  
Наманганд вилояти,  
Косонсой туманидаги  
Ҳамид Олимжон номли 28-  
мактаб, «Табиатсеварлар»  
тўгараги аъзоси.



Итимиз Қоплоннинг турагдан гойиб булиши ҳаммамизни ташвишга солиб кўйди. «Яхши итулигини кўрсатмайди» ибораси бот-бот ёнимга тушиб, дилимни гаш қилас-да, болаларимни тинчлантиришига ҳаракат қиласман. Қизиги, Қоплон бутун оила аъзоларимизнинг тушига кириб турар, у назаримизда бариб қайтадигандек эди. Орадан кунлар ута бошлиди. Аста-секин ухакида камроқ эслайдиган бўллил. Лекин таниш-билишлардан сураб-суриншишини қўймасди.

Аксига олиб, қайнотонам шундай кунлари касалхона-

карди.

Қариндошимиз Нурмат аканинг айтишича, Қоплонни машина туртиб кетган, у судрала судрала бошқа маҳаллага бориб қолган. Бола-чақанинг раҳми келиб, уни даволаб боқиб ўтирган экан. Қариндошимиз уша итни боқаётган ўйга бориб қолиби, буни қаранг жонивор уни таниб, оекларига суркалди. Шундан сунг увоқсанни суриштириб, бизнинга олиб келиби.

«Хайратланарлариси шундаки, ит менинг сизларга таниш эканимни билган», — дерди кувони Нурмат акা.

Мухайё ТЎЛАГАНОВА,  
Янгийўл туманидаги З-  
мактаб ўқитувчиси.

нафар укувчи бор. Олти нафар болага бир яшик асалари оиласи биринтириб қўйилди. Ҳар куни асаларимиздан хабар олиб турибиз. Биз уларни жуда севамиз.

### ҚОПЛОН

Бир куни кечқурун болалар идиш тубида озигина овқат қолдиришибди. «Бу нимаси, нега овқатни узоқ қиласизлар, итимиз бул маса» дедим. Улар индешмади.

Бутун кимдир чақириб келди. Чикдим. Қай куз билан курйади, итимиз олиб келган кишининг кулидан менга отиди. Орқа оёқларида тик турганча қулларимни ялаб, қандайлир мунгли овоз чи-

### АСАЛАРИДАН ҚЎРҚМАЙМАН

Нариги маҳаллада яшайдиган дугонамникига боргандим, дарров дастурхон эди. Чой билан бирга бир пиёла асал ҳам олиб келди. Ундан озигина тотиб куриб, қойил қолдим. Мазасиу хушбуйлигига гап йўқ эди.

— Узимизнинг асалариларники, тутаргамиз бор, мангулолардан сунг боқамиз, — фархраниб деди дугонам.

Шу гапдан кейин бу фойдали ширинлик ҳақида яхшироқ ўйлабилан утиб кетди.

Айни пайтда тутаргамизда 45

### АЛОЙ

Писегулдошлар онласига мансуб, бўй 4 метргача стадиган, доим яшил, даражасимон ски ут усмилли. Баргари кетма-кет жойлашади. Купингча поясининг юқори қисмидаги туб barg яхши килади. Барглари қалин, сершира, юмпок, қиличсимон, юқори томони ботик, пастки томони дунг будиб чиқкан, қирраси тиконлар билан қонгланган. Узунлиги 20-65 см, қалинлиги 12-15 мм га стади.

Алой барги қадимдан ҳалқ табобатида ишлатилиб келинади.

рилган мева ски унинг қайнатмаси (базан мевасининг узи) куқрак юмшатувчи дори сифатида йутал, куклутал, трахент: бронхит ва нафас ўйларининг бошқа шамоллашса касалликларини даволаш учун қулланади.

Абӯ Али ибн Сино анжир мевасини балғам кучириувчи восита сифатида сийини, йутални колдиганда қайнатмаси билан тоғмоқ чайилади, яраларга исисик қайнатмасига ҳулланган дока боғланади. Камқонлик касаллигидаги қувватлантирувчи дори сифатида истемол қилиш буорилади. Сутда пиширилган жойига ширасини яраларга, улар йиринглаб кетмаслини ва тез битини учун қуйилади. Милк яллигланганда, шиншил оғрингандага ҳам қуйилади.

### Шифобахш ўсимликлар

### АНЖИР

Абу Али ибн Сино анжир мевасини балғам кучириувчи восита сифатида сийини, йутални колдиганда қайнатмаси билан тоғмоқ чайилади, яраларга исисик қайнатмасига ҳулланган дока боғланади. Камқонлик касаллигидаги қувватлантирувчи дори сифатида истемол қилиш буорилади.



### ЎҚИНГ — ҚИЗИҚ?

Париждаги ҳайвонот ботиги гаройиб бир воқе содир булиди. Бу ерда дунёга келган жониворнинг онаси-йулбарс, отаси — шер эди. Шунга кура у йулбарс ҳам, шер ҳам эмас. Бу йиртқичи нима деб аташ тутгрисида мутахассислар боп көтириши мокда...


### МАЙМУНЛАРГА ТОМОША

Американинг Чикаго шаҳрида қизиқарли тажриба амалга оширилди. Кино-театрда фракат маймунлар учун кино намойини этилди. Улар ҳайвонот олами ҳақидаги фильмларни мириқиб томонга қилишиди. Бирор экранда илонлар пайдо булган заҳоти, ўзларини куярга жой тополмай, томошонанга ташлаб қочишди.

### ХИМОЯЧИ БАЛИҚЛАР

Олимларнинг хулоғаси, Аплохейлос номли балиқча чивинларга қирон келтирувчи энг яхши биологик восита экан. Бир гектарлик сув ҳавзасида 20 дона аша турдаги балиқни боқиши кифоя. Яна бир фойдали томони шундаки, балиқлар сув ҳавзасидаги бошқа тур жониворларга асло зарар сткамайди.

Ф. ОРИПОВ тўплаган.



Азиз табиатсеварлар! «Нилуфар»нинг аввалини саҳифаларида сиру синоатга бой она табиат, тоза ҳаво, зилол сувлар, сайдроқи күпшлар, майсазор боғлар ҳақида ҳикоя қўлган эди. Таътилинг сўнгти ойи давом этётган ушбу кунларда сизлар билан экологиямизнинг соғлиги учун курап олиб бораётган, «Ёш табиатшунослар» марказларидаги фаолият кўраса-таётган тенгдошларингизнинг ишлари ҳақида ҳикоя қилимиз. Шифобахш ўсимликлар ҳақида мальумотлар берабер боришидан мақсадимиз эса қалбингида табиатга кўпроқ меҳр ўйғотиш, унинг муҳофазасига, қалб гиёҳларини сақлаб қолишга чиқириш. Сиздан ўтичимиз, ҳайвонот, күпшлар ва ўсимликлар оламини диққат билан кузатиб боринг, ён дафтариңизга ёзib олган кузатишларингиздан бизларни ҳам хабардор қилишни унутманг. Мактубларингиз ва қўнғироқларингизни кутамиз.



Инсон ҳаёти ҳақида қанча кўп ўйласам, шунга ишонаманки, У ЗАГС идорасида «түғилар» экану бир марта улар экан (шуниям ЗАГС идораси қайд қилса). Аслида эса у қисқагина умрида кўп марта ўлиб, тагин тирилар экан. Мана, ҳозир ҳам шундай: мен каравотда ётибману хис этяпманки кетаяпман. Ҳолбуки, менга пи-чоқ урганлари ҳам, заҳарлаганлари ҳам йўқ, касал ҳам эмасман. Мен энди ҳаётнинг маъноси ҳақида узимга савол ҳам бермайман, шунчаки ундан хафман, холос. Тушундимки, ёшликтининг жодугар шуълалари билан жилолантган орзуларим — ҳаёлий экан. Ажабо, энг кейин қазо қиласиган умидлар энди йўқ. Узинг бирон бир нарсани тушунмайдиган бу ҳаётдан нимани ҳам кутиш мумкин? Ҳа, йигирма икки яшарли усмир учун бу фикрлар фоят оғирдир. Бироқ, нима қилиш керак, қачонки шу қисқагина умринг ўзанини уйлаб, қанчалар хатога йўл қўйганингни англаб турсанг? Веи, қанча ёл贡чилик, сотқинликларни кўрдинг: рӯебга чиқмаган қанча орзуларинг бор эди? Тағин баланд курсиларга ўтирган порахўру риёкорлар, номига дўстлару ишончдан маҳрум қизлар...

Кечада мен бир таниш қизни акамнинг түғилган «куни»га — зиёфатига тақлиф этдим. Утиришдан кейин уни уйига кузатиб бораётганимда учта йигит — унинг хушторлари экан, мени тутиб уришиди. Қаттиқ зарбдан кўз олдим қоронгилашиб йиқилаётганимни биламан. Бир маҳал узимга келганимда йигитлар ҳам, қиз ҳам йўқ эди.


Ўйга келиб, азбаройи қиздан хавотир олганим учун уларни кига қўнгироқ қилдим. Қиз нима деди динг? «Мени ҳимоя қиломадинг, шунинг учун улар билан кетдим». Начора, балки у ҳақдир? Кучизилар үлади, кучлилар қолади — «жунгли қонуни» шундай бўлса керак. Демак, мен ожиз эканман.

Ҳозир мен кўзгу олдида туриб, башарамга қарайпман. Чап юзим шишган, ўнг кўзимнинг таги кўм-кўк, қўйи лабим ёрил-

ган. Хуллас «чиройли» бўлибман.

Ойна олдидан жилиб, хонамга кирдим. Ҳеч нарсани ўқигим, ўйлагим келмас эди.

Ногоҳ узим севган рассомдан тухфа булиб деворлардан жой олган портретларга қарай бошладим-у суратлар ёпиширилган альбомим эсимга тушиб кетди. Уни олиб диванга



булган, қўёшнинг ёрқин нурлари ҳам совук қишининг нафаси кутарилиб кеттанидан далолат берарди. Бепоён адирларга қараб, шалола шовқинини ёшишиб, муздек чашма сувидан симирадик. Бойчекат терардик. Дадам гулхан ёқар, мен ҳар хилчуп йигиб келардим. Онам гултерарди. Сунгра биргалашиб, узимиизга бирор егулик тайёр

пид кетардим...

Альбомнинг навбатдаги варогини очаман ва онам билан отамнинг йирик суратларини кўраман. Ушанда уларнинг ёши — менинг ҳозирги ёшимда — университет студентлари: ҳаваскорлар театрида «Гамлет» спектаклида: отам Гамлет, ойим — Офелия. Улар ёш ҳамда чиройли. Бунинг устига, бирлари шаҳзо-

## Чақнаётган юлдуз

верситетининг студенти эди. Албатта, бир йилдан кейин факультет декани билан уришиб қолиб: «академик таътил»га чиқишини, кейин ўз аризаси билан Афғонистон урушига кетишини билмасди.

Дарвоҷе, унинг Афғонга кетадиган кечаси ёдимда, соат ўнларга уйга келди. Онам билан яхши гаплашди, менга «қалайсан?» деб қўйди-ю, отамнинг хонасига кириб кетди. Улар жуда узоқ гаплашишиди. Қаёққадир бориб ҳам келишиди. (Кейин билсам, ресторанга бориб пиво билан ароқ олиб келишган экан). Бир маҳал уйгониб кетсам, онам дадамга зорланиб гапиряпти: «Ёш болани уйкудан қолдириб, нима қиласиз? Қўйинг, ётсин!»

Дадам: «Уғлимиз Муғулistonга кетяпти» дедилар. «Армияга кетадиган булдингми?» деб суради онам. «Ҳа», — деди акам. Яхши хизмат қилиб кела-ман. Кейин университет кучоқ очиб кутиб олади». Онам тагин нималарни дир суриштириди. Афғонистонда булаётган уруш ҳақидаям улар орасида гап бўлди.

Ушанда дадам билан оймининг айтишиб қолганлари ҳам ёдимда. «Сиз айбор, сиз юборгансиз», деди онам. «Ватан ҳимояси учун борган», — деди отам. Онам сезигирроқ эканми ёоналигига бордими — урушни ёмонлай кетди, кейин «қандайдир ўртдаги уруш Ҳубекистонни ҳимоя қилишга кирмайди», деб айтди.

Дадам ҳам «романтик» эканлар...

Акам икки йилу олти ой де-ганда Афғонистондан орден ва медаллар тақиб қайтиб келди.

Ух, уша олти ой ўтиши қийин бўлган эди. Айниқса, ойим учун.

Акам университетни битирди. Аммо бирор уни — «Сен ватаншарвэр», деб бошини си-ламади. Қайтага у уша урушда — жангларда кишиларнинг бирбирига дуст бўлиши, алдов булмаслиги, бу ерда эса, бу ерда эса...

(Давоми бор.)

утиридим.

Биринчи бетини очдим, унга икки яшар болакайнинг сурати елемланган. Болакай дўмбоққина қулчалари билан уйинчоқ айиқчанинг қулчаларидан ушлаб, бегубор кўзлари билан жилмайиб турибди.

— Бу — мен. Йигирма йил бурунги мен.

Альбомнинг иккичи варанини очаман. О, бундаги суратда — биз тоғдамиз, онам, отам ва мен.

Ушанда мен олти ёнда эдим.

Жуда яхши эслайман: илгарилари биз ҳар йили баҳорда шаҳардан чиқиб тоқقا борардик. Тоғ багирларида лолалар энди-энди очила бошлаган, дараҳтларда илк япроқлар пайдо

## (КИССА)

лардик...

Яна шу нарса кечагидек эсимида, этакда қолган во-дийда битта ям-яшил дараҳт шоҳлари (қандай дараҳтлиги ёдимда йўқ) усуб турарди. Ут-кинчилар унинг бутоқларига турли тасмалар ва латта-пугтларни боғлаб кетишарди. Бутун дараҳт шоҳлари ана шундай ранго-ранг латталарга бурканib турарди. Гоҳо улар менга мўъжаз, мўъжиза туглардай туюларди. Ҳар гал ушада дараҳт яқинидан ўтганимизда дадам мошинани тўхтатар, ойам эса қўлимга рўмолча бериб: «Боғиб боғлагин, орзуларинг рӯебга чиқади», дер эди.

Мен эса бунга инониб чо-

да, бирлари — малика. Улар ўзларининг шундоқ эканларига мутлақо ишониб туришибди.

Афсус, саҳнадаги ҳаёт бошқа-ю турмуш — бошқа экан. Дадам ниҳояти — санъатшунос булиб қолдилар. Ҳозир эса деярли ишсиз, мошинамиз ҳам сотилиб кетган. Еши ҳам элликдан ошиб кетди, табиийки куринишлари ҳам бошқача. Вақт ўз ҳақини олар экан. Бунинг устига ҳаётдаги кейинги менинг тушунишм қийин бўлган узга-ришлар уларни тез қаритмоқда...

Кейинги саҳифани очаману, акамнинг суратини кўраман. У вазмин кулимсираб тик турибди. Ушанда у Тошкент уни-


## «ДАВЛАТЛАР» ТОПҚИРИЛИК МАШКИ

Ер юзидаи номлари бешта ҳарфдан иборат бўлган давлатлар номини топиб, шакцда белгиланган хонадан соат милий науналиши рақам атрофига ёзиш билан машқин ҳал этинг.

1. Дунедаги ахолиси энг кўп мамлакат. 2. Тошкент шаҳри пойтахти билан бирорларшган Африқадаги давлат. 3. Африқадаги шимолий-шарқий қисмидаги мамлакат. 4. Жанубий Осиёдаги шарқий Ҳимолай тогларидаги жойлашган қироллик давлати. 5. Болтик бўйидаги республикалардан бири. 6. Марказий Америкадаги Катана ярим оролининг шарқий қисмидаги жойлашган кичик давлат. 7. Фарбий Африқадаги ҳалқ республикаси. 8. Пойтахти Прага шаҳри бўлган республика. 9. Шарқий Африқадаги жойлашган давлат. 10. Шарқий-жанубий Осиёдаги ярим оролларнинг номи билан аталаған, республиканимизда ҳамкорликда автомобиль корхонаси курган мамлакат. 11. Жанубий-Гарбий осиёдаги кичик давлат. 12. Вест Индиядаги оролдан бири номи билан аталаувчи республика. 13. Пойтахти Байрут. 14. Шимолий Африқадаги мусулмон мамлакатлардан бири. 15. Осиё қитъасидаги Араб республикаси. 16. Арабистон ярим ороли шарқидаги сultonлик давлати. 17. Марказий Африқадаги дарё номи билан аталаувчи республика. 18. Ҳинҷ океанининг Мозамбик бўғозидаги ороллар номи билан аталаувчи худудий кичик давлат.

Тузувчи: Ф. ОРИПОВ.

## Бўш вақтларда



- Рўҳатдан утаси Ҷарғоби № 600137
- Майданинг № 700053, Ўзбекистон
- Матбуотчилик кўзаси, 32-я
- Наша куришчали № 64561
- Телефон: 33-44-25

## Жавобларингизни текширинг

Газетамизнинг 48, 49-сонларида эълон қилинган бошқотирмаларнинг жавоблари.

1. «Тил — тафаккур куроли». 2. Чапдаги шакл.

Спорт турлари: 1. Гимнастика, 2. Қул туши. 3. Қилинчозлик. 4. Кураш. 5. Волейбол. Шакл марказидаги рақамларда: «О, спорт — сен тинчлик-тотувликсан!» Айланалардаги ҳарфларда: Пьер де Кубертон

**ТОНГ ЮЛДУЗИ**  
Ўзбекистон боялари ва  
ўсмиларининг газетаси

Боғи  
мухаррир  
умида  
АБДУАЗИМОВА

Таҳrir ҳайъати:  
Наримон ОРИФЖОНОВ,  
Омон МАТЖОН,  
Гулнорә ЙУЛДОШЕВА,  
Марат ШАФИЁВ,  
Феруза ЖАЛИЛОВА.